

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А 120101 - 2.01

2016 йил "9" 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги



2016 йил "22" 01

**АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК ТАРИХИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар  
Мутахассислик: 5А 120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

Муратова Э.Д. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Махмудова Н.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

#### **Такризчилар:**

Джалилова Х.М. – ЎзМУ, хорижий филология факультети, “Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Глазырина С.А. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **КИРИШ**

Адабий танқидчилик тарихи фани адабий танқид, адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси, матншунослик, бадиий асарнинг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт, ижодий услублар, бадиий образ, ижодкор услуби каби масалаларни ўргатади.

Фан жаҳон адабиётшунослигида мавжуд бўлган ҳамда янгиланаётган назарий қарашларни ўзида мужассамлаштириб бориши билан турдош фанлар орасида ўз ўрнига эга. Мазкур курс бадиий адабиётнинг умумий-назарий қонунларини ўрганувчи, бадиий ижоднинг маълум назарий тушунчаларга асосланишини талабаларга ўргатиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Адабий танқидчилик тарихи фанининг асосий мақсади – адабий танқидчилик тарихига оид асосий тушунчалар, хорижий адабиётшунослик тарихи ва танқидчилик ривожланиш жараёнининг замонавий концепцияси, хорижий адабиётшуносликнинг тарихий мактаблари, хорижий адабиётшунослик ва танқидчиликнинг миллий мактаблари, бадиий асарни таҳлил қилиш, бадиий матнни чуқур ва турли методлар асосида талқин қилиш, жаҳон адабиётшунослигидаги методларининг ички имконияти ва чекланганлик томонларини барча адабий тур ҳамда жанрлар бўйича ёзилган илмий асарлар мисолида асослаб ўрганиш, умуман адабиётшуноснинг илмий-эстетик тафаккурини шакллантириш, танқидчилик тарихи ва танқидчилар ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга адабий танқидчилик тарихининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини, санъат турлари хусусан, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тушунтириш, адабий тур ва жанрлар масаласини талқин этиш, эпик, лирик ва драматик турлар синкретизми моҳияти каби масалаларни ўргатиш.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Адабий танқидчилик тарихи” фанини ўзлаштириш жараёнида магистр:

- адабий танқид тарихи фанининг эволюцион босқичлари;
- қадимги давр ва ўрта асрларда адабиётшунослик ва танқидчиликнинг ривожланиш тарихи;
- замонавий адабий танқидчиликнинг ривожланиш тенденциялари;

- XIX асрда асрларда адабиётшунослик ва танқидчиликни ривожланиш тарихи;

- Кант ва Г. Гегель эстетикаси;

- XX-XXI асрларда адабиётшунослик ва танқидчиликни тарақиёти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- йирик адабиётшунос олимлар ва адабий танқидчилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг жаҳон адабиётшунослигида тутган ўрни;

- хорижий адабиётшунослик ривожланишидаги янги тенденцияларни;

- адабий муаммоларни ўрганишда илмий ёндашувни;

- турли адабий оқим ва йўналишларга тегишли танқидий асарларни;

- Буюк Британия ва АҚШ адабиётшунослиги ва танқидчилик тарихида миллий мактаблар фаолияти ва жаҳон адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси;

- танқидий асарларда эпиризм, релятивизм, скептицизм моҳияти;

- Ўзбек ва МДҲ олимларининг чет эл адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига оид асарларини **билиши ва улардан фойдалана олиши ҳамда таҳлил қила олиши;**

- адабий танқидчилик миллий мактабларининг услубларидан фойдала олиш;

- бадий асарларни адабий қайси оқим ёки танқидчилик мактабига тегишлигини аниқлаш;

- турли таҳлил методларини қўллаш **қўникмаларига эга бўлиши керак;**

- формалистлар мактаби, Чикаго танқидчилик мактаби, неоаристотелизм, структурализм мактаби, феминистик танқидчилик, постколониал танқидчилик ва адабиётшунослик, янги тарихчилик танқидчиликларнинг намоёндалари томонидан яратилган асарлар асосида танқидий эссе ва мақола ёзиш;

– Турли адабиётшунослик методларидан фойдаланиб бадий асарни таҳлил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Бакалавр босқичида ўқитилган “Жаҳон адабиёти”, “Адабиёт назарияси” ва “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи” фанларидан олинган билимлар “Адабий танқидчилик тарихи” фанини ўрганиш давомида умумийлаштирилиб, чуқурлаштирилади. “Адабий танқидчилик тарихи” фани мутахассислик фани ҳисобланади. Мазкур фан “Қиёсий

адабиётшунослик”, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” фанлари билан муаммоларнинг умумийлиги жиҳатидан бири-бирига ўзаро боғланган.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Адабий танқидчилик тарихи ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Магистрантларда чет эл адабиётшунослиги ва адабий танқидчилик тарихи фани бўйича билимларни шакллантириш, адабиётшунослик методларини бадиий асар методологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлишларини таъминлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Магистрантларнинг “Адабий танқидчилик тарихи” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Фанга кириш**

Адабий танқидчилик тарихининг ривожланиш жараёнлари. Чет эл адабиётшунослиги ва адабий танқид тарихи фанининг эволюцион босқичлари.

## **Қадимги давр ва ўрта асрларда адабиётшунослик ва танқидчиликни ривожланиш тарихи**

Платон ва Аристотель. Антик давр танқидчилиги. Риторика ва софистика. Неоплатонизм. Классик давр танқидчили. Ўрта асрлар танқидчилиги намоёндалари Данте Алигъери ва Жованни Боккаччо.

## **Уйғониш даври ва Маърифатпарварлик адабиётшунослиги ва танқиди**

Филип Сидни. Неоклассик адабий танқидчилик. Жон Драйден, Александр Поп, Самуэл Жонсон. Маърифатпарварлик даври. Жон Лок, Жозеф Эддисон, Дэвид Хьюм, Мэри Уолстоункрафт ва феминизм масалалари.

## **19 асрда адабиётшунослик ва танқидчилик ривожланиши тарихи**

Кант ва Г. Гегель эстетикаси. Германия ва Франция романтизми Ф.Шиллер, Ф. Шлеймахер. Англия ва АҚШ романтизми. С. Кулридж, Р.Эмерсон, Э.По. Реализм ва натурализм. Ж.Элиот, Э.Золя, У.Д. Хоуэлс, Х.Жеймс. Символизм ва эстетизм. Ч. Бодэлер, У. Пэтер, О.Уайлд. Гетерологик танқид. Артур Шопенгауэр, Ф. Ницше, Х. Бергсон, М.Арнольд, Т.Иглтон.

## **XX асрда асрларда адабий танқид**

З.Фрейд асарларидаги психологик таҳлилини адабиётшунослик ва танқидчиликка бўлган таъсири. Формалистлар мактаби. В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, М.Бахтин, Р.Якобсон, Т.С. Элиот, Ж. Рэнсом ва бошқалар. Чикаго танқидчилик мактаби намоёндалари. Неоаристотелизм. Структуралистлар мактаби намоёндалари Ф. Де Соссюр, Р. Барт. Деконструкция ва Ж. Деррида илмий ишлари. Постколониал танқидчилик ва адабиётшунослик. Янги тарихчилик танқидчилиги. Китобхонлар (рецептив) танқидчилигининг ривожланши.

## **XX асрда асрларда феминистик танқидчиликнинг ривожланиши**

Феминистик танқидчилик ва гендер муаммоларни адабиётда ёритилиши. Феминистик адабиёти ривожланшининг тарихий босқичлари. В. Вульф, Э. Шоуволтер, Ю. Кристева ва бошқалар. Сандра Гилберт ва Сьюзен Гюбар тадқиқотларини феминизмга бўлган таъсири.

## **Буюк Британия ва АҚШ адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги ривожланишининг ўзига хослиги**

Буюк Британия ва АҚШ адабиётшунослиги ва танқидчилик тарихида миллий мактаблар фаолияти ва жаҳон адабиётшунослигига кўшган ҳиссаси.

Буюк Британияда буюк адабиётшунослари ва етакчи танқидчилари ҳаёти ва ижоди. АҚШ буюк адабиётшунослар ва етакчи танқидчилар ҳаёти ва ижоди.

## **Буюк Британия ва АҚШ адабиёти чет эл адабиётшунослари ва танқидчилари нигоҳида**

Буюк Британия ва АҚШ адабиёти бўйича ўзбек ва рус танқидчилар ва адабиётшуносларининг илмий асарлари ва хулосалари. (Иззат Султон, Фитрат, Тохир Малик, Ўткир Ҳошимов, Н.А. Анастасьев, Г.В. Аникин, В.Д. Днепров, Д.В. Затонский, В.В. Ивашева, А.Е. Эльсберг, Я.Н. Засурский, А.М. Зверев, Л.М. Землянова, Н.П. Михальская, М.О. Мендельсон, А. С. Мулярчик, М.П. Тугушева)

## **Буюк Британия ва АҚШ адабиётшунослиги ва адабий танқид тарихи ривожланишининг янги тенденциялари**

XX асрнинг охири чорагида ижтимоий йўналишларининг типологик ўзига хослиги. Урушдан кейинги даврда адабиётшуносликда янги фалсафий ғоялар ва оқимлар. Янги хужжатли романчиликни ривожланиши. Урушдан кейинги даврда адабиётшуносликда янги фалсафий ғоялар ва оқимлар. “Янги журнализм” долзарблиги.

## **XXI аср чет эл адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихи**

XXI аср танқидчилигида синергетика, глобаллашув, миллийлик сингари масалаларга эътибор қаратилади. Баёз, намуна, хотиралар, адабий танқидчиликда биографик метод: ҳасби ҳол, манокӣб, танқидий очерк, адабий портрет, бадиий лавҳалар. Адабий танқид, наср, назм сингари ўз мустақил жанрларига эга эканлиги. Танқиднинг мақола, портрет, очерк сингари жанрларида кўплаб асарлар яратилганлигида XXI аср танқидчилигида бади, хотира сингари жанрларнинг авж олаётганлиги.

## **Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати**

- Қадимги давр адабиётшунослиги ва танқидчилиги.

- Замонавий ғарб адабиётшунослиги.
- Ғарб ва рус олимларининг чет эл адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига оид асарлари.
- Ўзбек олимларининг чет эл адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига оид асарлари.
- Хорижий адабий танқид мактаблари
- Адабий тур ва жанрлар танқиди.
- Фрейдизмнинг адабий оқимларга бўлган таъсири
- Адабий танқидчилик ва гендер муаммолар
- Янги давр адабиёти танқидчилиги.
- М.Бахтиннинг фундаментал адабий асарлари
- Ю. Кристеванинг асарларнинг танқидчиликка бўлган таъсири.

### **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги



ва назоратида муайян ўқув ишларни мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- масофавий таълим.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Т.С. Элиот танқидий асарлари ва уларнинг инглиз ва америка модернизмига булган таъсири.
2. Ц. Тодоровнинг танқидий асарлари.
3. 20 ва 21 асрлар адабий танқидчилари.
4. М.Бахтиннинг танқидий мероси ва илмий тадқиқотлари.

#### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;

- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Хорижда ва республикамизда нашр этилган илмий адабиётлар, махсус журналлар ва илмий мақолалар тўплами, адабиётшуносликка бағишланган интернет сайтларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Адабий танқидчилик тарихи бўйича мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш, диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, турли адабий методларини тадқиқ қилиш магистрантларга диссертация ёзишда қўл келади. Бунда интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдирот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати<sup>1</sup>**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. M. A. R. Habib. Modern literary criticism and theory. The history. Blackwell Publishing 2005, pp838
2. The Cambridge History of Literary Criticism. Cambridge University Press, 2008, p.442
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
4. Кахрамонов К. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. Ўзб. миллий кутубхонаси нашриёти. Т.-2009. 184 бет

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Julian Wolfreys. Introducing literary theories. Guide and glossary. Edinburgh University Press. 2001, 332p.
2. Английская литература от 19 века к 20, от 20 к 21. Проблема взаимодействия литературных эпох. – М.: ИМЛИ РАН, 2009г., стр. 436
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т., Ўзбекистон. 2000.
4. Давыдова Т.Т., В.А. Пронин. Теория литературы. Москва, «Логос»,2003г., с.114

---

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

5. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Т.: «Халқ мероси» нашриёти, 2004
6. Хализев В.Е. Теория литературы.-Москва: 2002.

### **Энциклопедия ва луғатлар**

1. The Penguin dictionary of literary terms and literary theory. Penguin Books, 2000, p. 561.
2. The Routledge Dictionary of Literary Terms. Taylor & Francis, London and New York 2006.. p.157

### **Интернет сайтлари:**

1. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
2. <http://www.twirpx.com>
3. <http://www.uz-translations.net>
4. <http://www.booksbooksbooks.ru>
5. <http://www.literature-online>

